

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЭГАМОВА ИНТИЗОР НОРМУХАММАДОВНА

**НСV ИНФЕКЦИЯДА ЧАЙЛД-ПЬЮ БЎЙИЧА А СИНФ ЖИГАР
ЦИРРОЗИНИНГ ДИАГНОСТИК, ПРОГНОСТИК ВА ТЕРАПЕВТИК
ЖИХАТЛАРИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Эгамова Интизор Нормухаммадовна HCV инфекцияда Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррозининг диагностик, прогностик ва терапевтик жиҳатлари	3
Эгамова Интизор Нормухаммадовна Диагностические, прогностические и терапевтические аспекты цирроза печени класса А по Чайлд-Пью при HCV инфекции	23
Egamova Intizor Normuxammadovna Diagnostic, prognostic, and therapeutic aspects of Child-Pu Class A liver cirrhosis with HCV infection.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЭГАМОВА ИНТИЗОР НОРМУХАММАДОВНА

**НСV ИНФЕКЦИЯДА ЧАЙЛД-ПЬЮ БЎЙИЧА А СИНФ ЖИГАР
ЦИРРОЗИНИНГ ДИАГНОСТИК, ПРОГНОСТИК ВА ТЕРАПЕВТИК
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib63 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусабаев Эркин Исакович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедова Мубарахон Джалиловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Таджиев Ботир Мирхашимович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Л.Н. Туйчиев

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.М. Таджиев

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда С вирусли гепатит ва унинг оқибатлари муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Касаллик оғир кечиши, беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, «...170 млн дан кўпроқ инсонлар С гепатити билан зарарланган. СВГ инфекцияси натижасида ривожланган жигар циррози (ЖЦ) ва саратони оқибатидан йилига 686 минг киши нобуд бўлмоқда»¹. Маълумки, «...70–85% беморларда жигарнинг ўртача-мўътадил гистологик ўзгаришига олиб келувчи сурункали инфекция ривожланади»². Сурункали С гепатитда жигар циррози ривожланиши ва беморлар ўлимининг юқорилиги ўз навбатида, унинг хавфини ташхисловчи, прогнозловчи ва даволаш чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда вирус этиологияли сурункали диффуз жигар касалликларида патогенетик асосланган даволашни тайинлашда амалиёт шифокори учун етарлича қийинчилик туғдириши ушбу патологиянинг патогенези ва қиёсий ташхисдаги механизмларнинг мураккаблиги ва хилма-хиллиги билан асосланади. Бутун дунёда касаллик натижасида юзага келадиган асоратлар, жумладан жигар циррозининг ривожланиш хавфи, уни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада HCV этиологияли жигар циррозини келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, турли генларнинг молекуляр-генетик полиморфизмини аниқлаш, жигар фибрози зўрайишининг зардоб маркёрларини аниқлаш, жигар фиброзини эрта ташхислаш, башоратлаш ва даволаш ҳамда керакли профилактик тадбирларини такомиллаштириш лозимлиги шубҳасиздир.

Мамлакатимиз аҳолисининг турли қатламларида юқумли касалликларни эрта ташхислаш, такомиллаштирилган даво усуллари ишлаб чиқиш ва асоратларини камайтириш бўйича маълум ютуқларга эришилди. Шу билан бирга соғлиқни сақлаш тизимида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш»³ вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда юқумли касалликларни ташхислаш ва даволаш даражасини янги босқичга кўтариш, даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш,

¹World Health Organization web site, 2017., <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs104/en/>.

²Fumio Imazeki et. al., in *Hepatology International* 4(3):548-61 2010

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

ҳамда сифатли тиббий ёрдамда инновацион технологияларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган ва тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. HCV жигар циррозида касаллик босқичларига кўра башоратлаш амалга оширилади. Компенсацияланган циррозда декомпенсациянинг 5 йил давомидаги трансформацияси – 18%, малигнизация – 7% беморларда қайд этилади, жами 91% беморлар яшаб қолади. Декомпенсацияланган циррознинг 5 йиллик муддатида 50% беморлар нобуд бўлади (Zhou M. et al, 2016). HCV этиологияли компенсацияланган жигар циррозини даволаш тактикаси куйидаги асосий йўналишларга асосланади: этиологик (бартараф этиш ёки касаллик сабабларини бостириш), патологик жараён зўрайиши, жигар функцияси ўзгаришлари билан боғлиқ бузилишлар коррекцияси, асоратлар терапияси (профилактикаси)ни юзага келтирувчи механизмларга таъсир кўрсатиш. HCV этиологияли компенсацияланган жигар циррозини вирусга қарши препаратлар билан даволаш муаммоси аҳамиятлилигича қолмоқда. Шу муносабат билан бир нечта кенг камровли ген-ассоциирланган тадқиқотлар натижаларига кўра IL28B ген регионида катта илмий қизиқиш уйғотган генетик жузъий ўзгаришлар аниқланган эди. 19q13 хромосомада С гепатитни индуцирланган даволаш ва ўз-ўзидан ечими топилиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган SNP (Single Nucleotide Polymorphisms) ягона нуклеотид полиморфизмлар аниқланган эди (B.Ge et al, 2009; J.J.Mc Carthy et al, 2009; Y.Tanaka et al, 2009; D.L.Thomas et al, 2009). Касалликни клиник кўринишларининг намоён бўлиши лаборатория (клиник ва биокимёвий кўрсаткичлар) маълумотларига мос келмаганлиги ва инструментал тадқиқот усуллари (ультра товушли текшириш, компьютер ёки ядроли-магнит-резонанс томография) жуда носпецифик бўлганлиги сабабли касаллик бошланишида циррозни ташхислаш жуда қийин ҳамда кўпчилик ҳолатларда цирроз, сурункали гепатит ва стеатогепатит (жигарнинг дистрофик касаллиги)ни фарқлаш имконини бермайди (Исаков В.А., 2008).

Циррозни ташхислашга бўлган янги ёндашувлар зардоб маркерларини аниқлашни ўз ичига олади. Жигар циррозини башоратлаш ва ташхислашда

зардоб маркерлари аҳамияти таҳлил қилинганда уларни аниқлашни йўлга қўйиш зарурати юзага келади (Flisiak R. et al, 2004). Айти пайтда микроскопия билан жигар биопсияси ва олинган тўқима таркибини текшириш жигар циррози ташхисда «олтин стандарт» ҳисобланади (Zhang D. et al, 2015), бироқ барча беморлар ҳам жигар биопсияси муолажасига розилик беравермайди. Ташхислашнинг ноинвазив усуллари тадқиқи (транзитор эластография) ва HCV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррози мезонлари башорати илгарилари олиб борилмаган (Goncales E.S. et al, 2007). Жигар фибрози ривожланиш тезлигини башоратлашда IL28B интерлейкиннинг роли, жигар фиброзини ташхислашда тадқиқотнинг ноинвазив усулларида бири сифатида қоннинг зардоб маркерлари роли ҳамда инвазив ва ноинвазив усуллар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича етарлича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Шу муносабат билан HCV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррозини (ОИВ+СВГС нинг моноинфекция ва коинфекциясида) эрта ташхислашни такомиллаштириш, асоратлари келиб чиқишининг олдини олиш, зардоб маркери (M2BP) кўрсаткичлари ёрдамида жигардаги морфологик ўзгаришларини аниқлаш ва молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш ва Вирусология илмий текшириш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АТСС 21.2 «IL28B ген полиморфизми ва жигар фибрози зардоб маркёрларини аниқлаш асосида сурункали вирусли гепатитларнинг жигар циррозига ўтишни башорат қилиш, даволаш ва олдини олишнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади HCV инфекцияда Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррозининг диагностик, прогностик ва терапевтик жиҳатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

HCV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррози кечишининг клиник-лаборатор хусусиятларини аниқлаш;

HCV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррози бор беморларда фиброз даражасини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш учун транзитор эластография, M2BP зардоб маркери ва жигар биопсияси кўрсаткичларини таққослаш ва самарадорлигини баҳолаш;

Коинфекция (СВГС+ОИВ-инфекция) бор беморларда жигар фибрози шаклланишини башоратлашда IL28B ген полиморфизмининг аҳамиятини аниқлаш;

HCV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррозини эрта ташхислаш ва даволаш тактикасининг алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Вирусология илмий текшириш институти клиникасида назоратда бўлган HCV инфекцияли Чайлд-Пью бўйича

А синф жигар циррози бор 120 нафар ва 110 нафар коинфекцияли (СВГС ва ОИВ) беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар веноз қони ва қон зардоби биокимёвий, серологик, молекуляр-генетик тадқиқотлар учун ва жигар биоптати гистологик тадқиқотлар учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, серологик, молекуляр-генетик, гистологик, инструментал, иқтисодий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор жигар фиброзида транзитор эластография ва WFA+-M2BP маркёри кўрсаткичлари миқдорининг ортиши жигар фибрози зўрайишининг диагностик мезони эканлиги исботланган;

НСV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррозида билирубин, цитолитик кўрсаткичлар миқдорининг ортиши ҳамда оксиллар миқдорининг камайиши фиброз зўрайишининг диагностик мезони эканлиги аниқланган;

илк бор ОИВ билан касалланган беморларда НСV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррози зўрайиши ва шаклланиши хавфининг етакчи маркёри IL28B ген полиморфизми эканлиги исботланган;

илк бор ОИВ билан касалланган беморларда НСV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррози ривожланишида rs12979860 полиморфизмининг СС-бўлмаган генотипининг учраши жигардаги фиброз жараёни тезлашувига сабаб бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор жигар фибрози оғирлик даражаси ривожланишининг демографик тақсимланиши беморлар ёши ва жинсига (40 ёшгача - аёлларда f3 даражали, эркакларда f3-4 даражадан юқори) боғлиқ эмаслиги исботланган;

НСV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррози бор беморларда жигар фибрози даражасини баҳолашнинг ноинвазив усули сифатида WFA+-M2BP зардоб маркёрларини аниқлаш зарурлиги асосланган;

НСV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррозини башоратлаш ва фиброз босқичларини аниқлашнинг янги ёндашувлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти НСV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррози бор беморларда фиброз маркёрлари ортиши жигар биопсиясидаги чуқур морфологик ўзгаришларга боғлиқлигини аниқлаш чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Жигар циррози бор беморларда

билирубин миқдорининг ортиши, цитолитик синдром ва оксил синтезлаш (умумий оксил, альбумин) фаолиятининг сусайиши билан пропорционал боғлиқлиги, жигар циррози зўрайиши ва шаклланишининг башоратлаш маркёри IL28B ген полиморфизмининг аниқланиши ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ОИВ билан касалланган беморларда HCV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррози ривожланишида rs12979860 полиморфизмининг СС бўлмаган генотипининг учраши беморларда цирроз ривожланишини тезлатишини аниқланиши, илк бор беморларда жигар фибрози даражасини баҳолашнинг ноинвазив усули сифатида WFA+-M2BP зардоб маркёрларини аниқлаш зарурлигини асосланганлиги ҳамда жигар циррозини башоратлаш ва фиброз босқичларини аниқлашнинг янги ёндашувлари ишлаб чиқилганлиги касаллик ривожланишининг олдини олиш, даволаш самарасини ошириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. HCV инфекцияда Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррози эрта босқичларининг диагностик, прогностик ва терапевтик жиҳатларини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сурункали гепатит ва жигар циррозида жигар фиброзини аниқлашнинг прогностик ва диагностик усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 10 октябрдаги 8н-д/226-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали гепатит ва жигар циррозининг эрта босқичларида ташхислаш, касаллик кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

HCV инфекцияда Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррози эрта босқичларининг диагностик, прогностик ва терапевтик жиҳатларини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Навоий ва Фарғона вилоят юқумли касалликлар шифохоналари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 сентябрдаги 8н-з/149-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар сурункали гепатит ва жигар циррозининг эрта босқичларини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш, оғир асоратлар ривожланиш эҳтимолини камайтириш ҳамда уларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш орқали иқтисодий самарадорликка эришишга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«НСV инфекцияда Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррозининг диагностик, прогностик ва терапевтик жиҳатларини замонавий талқини»** деб номланган биринчи боби тўртта кичик боблардан иборат бўлиб, маҳаллий ва хорижий адабиётлар манбаларига асосланиб, дунё миқёсида жигар циррози муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи батафсил баён этилган. Цирроз эпидемиологияси, жигар фиброгенезининг сабаблари ва механизмлари, жигар фиброзининг олдини олиш ва даволаш таҳлил қилинган. Вирусли гепатит С ва ОИВ коинфекциясининг клиник тавсифи, ташхисоти ва даволашнинг замонавий муаммолари баён этилган.

Диссертациянинг **«Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ҳамда қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида қўйилган вазифаларнинг ҳал қилинишини таъминловчи тадқиқот объекти, тадқиқот усуллари ва услубий ёндашувлар тавсифи баён этилган. Тадқиқотлар ЎЗР ССВ Вирусология ИТИ клиникасида олиб борилган. Тадқиқот доирасига НСV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррози бўлган 120 нафар бемор қамраб олинган.

Клиник тадқиқотлар жараёнида демографик маълумотлар, касаллик анамнези ва эпидемиологик анамнез (инфицирланиш муддатлари, юктиришнинг эҳтимолий йўллари ва шу қабилар)га ойдинлик киритилди. Обьектив кўрик жараёнида антропометрик ўлчаш (Кетеле формуласи бўйича бўй, оғирлик, тана вазни индекси (ТВИ)), аъзолар ва тизимлар бўйича кўрик амалга оширилди.

Қон гуруҳини АВО тизими ва резус-фактор бўйича аниқлаш цоликлонлардан фойдаланган ҳолда стандарт услубда бажарилди.

Қоннинг клиник таҳлили гематологик анализаторда бажарилди ҳамда лейкоцитлар, эритроцитлар, гемоглобин, тромбоцитлар, шунингдек, лейкоцитар формула аниқланди.

Қоннинг ўз ичига холестерин даражаси, умумий билирубин, умумий оксил ва альбумин, аспаратаминотрансферазлар (АсАТ), аланинаминотрансферазлар

(АЛАТ), ишқорий фосфатазалар (ИФ), гамма-глутамилтранспептидазлар (ГТП) каби ферментлар фаоллигини қамраб олувчи биокимёвий таҳлили фотометрик ва потенциометрик усулларда Abbot Laboratories фирмаси (АҚШ) томонидан ишлаб чиқарилган Architect с8000 автоматик биокимёвий анализаторида амалга оширилди.

Коагулограмма кўрсаткичлари (протромбинланган индекс (ПТИ), фибриноген) Roche фирмаси (Швейцария) томонидан ишлаб чиқарилган ярим автомат SStart 4 коагулометрида аниқланди.

Гепатит С вирусига антитана Abbot Laboratories (АҚШ) фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган Architect 2000 SR иммунокимёвий анализаторида Anti-HCVAb тест-тўпламидан фойдаланган ҳолда аниқланди.

Қон плазмасида (сифат таҳлили) вируснинг рибонуклеин кислотаси мавжудлигини аниқлаш ҳамда «АмплиСенс HCV-FRT» (сифатли детекция) ва «АмплиСенс HCV-монитор-FRT» (миқдорий детекция) тест-тўпламидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида тескари транскрипция ва занжирли полимераз реакция усулида вирус юкламаси даражасини (миқдорий таҳлил) аниқлаш мақсадида ВГСнинг молекуляр-биологик тадқиқи ўтказилди.

ВГСнинг молекуляр-генетик таҳлили (генотиплаштириш) МИТЭИ (Россия) томонидан ишлаб чиқарилган «АмплиСенс-50-R HCV-генотип» тест-тўпламидан фойдаланиб бажарилди.

ОИВга антитаналарни аниқлаш Bio-Rad Laboratories (Франция) томонидан ишлаб чиқарилган Genscreen Ultra HIV Ag/Ab тест-тўпламидан фойдаланиб ИФА усулида амалга оширилди.

Альфа-фетопротеин даражаси электрохемилюминисцент усулда Abbot Laboratories (АҚШ) фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган автоанализаторларда аниқланди. Референс аҳамият 0 – 8,78 нг/мл.

Инструментал текшириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

Қорин бўшлиғи аъзолари ультра товуш текшируви 3,5 МГц махфий датчикли АЛОКА ультратовушли сканеридан фойдалинган, жигарнинг бевосита эластометрияси эса FibroScan (Франция) аппаратида бажарилди.

«Фиброскан» (Echosens, Франция) аппарати ўртача амплитудали тебранишлар манбаи ўрнатилган ва паст частотали ультратовуш ўзгартиргич датчик билан тақдим этилган. Датчик томонидан ишлаб чиқарилган тебранишлар жигар остида ётувчи текширилаётган тўқимага берилади ва модуляцияни акс этирувчи ультратовуш эгилувчан тўлқинларни ҳосил қилади. Тарқалган эгилувчан тўлқинлар тезлиги жигар тўқимаси эластиклиги билан аниқланади. Тадқиқотга жалб этилган тўқиманинг умумий ҳажми ўртача 6 см³ ни ташкил этди, бу пункцияли биопсияда бир неча баробар юқори бўлди.

IBM SPSS Statistics version 22,0 (IBM, Chicago, IL, АҚШ)дан фойдаланиб статистик таҳлил ва маълумотлар визуализацияси ўтказилди. Маълумотлар медиан-межквартил диапазон сифатида доимий ўзгарувчилар учун тақдим этилди. Гуруҳлар тоифали ўзгарувчилар учун χ^2 -мезондан фойдаланиб таққосланди. Фиброз босқичи ва WFA + -M2BP зардоб аҳамияти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик Спирмен рангли тести ёрдамида аниқланди. Ташхислаш аниқлиги қийшиқ чизикли тавсиф ости соҳаси усулидан (ROC) (AUROC)

фойдаланиб баҳоланди. Кесишиш аҳамияти Каплан–Мейер шкаласи бўйича Youden индекси билан идентификацияланди ҳамда логарифмик тестлардан фойдаланиб баҳоланди. Кўп ўлчамли таҳлил босқичма-босқич усулда пропорционал Кокс-модел хавфларидан фойдаланиб амалга оширилди. Барча статистик тестлар иккитомонлама бўлди ва 0,05 аҳамият даражасида баҳоланди.

Диссертациянинг «**Чайлд-Пью бшйича А синф жигар циррози бўлган беморларнинг клиник-лаборатор тавсифи**» деб номланган учинчи бобида сурункали вирусли С гепатит бўлган ва ЎзР ССВ Вирусология ИТИда тиббий ёрдам кўрсатилган ҳамда фибротик шикастланишни аниқлаш мақсадида жигарда транзиент эластометрия ўтказилган 120 нафар беморнинг даволаш натижалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Беморларнинг тадқиқотга қамраб олинган демографик ва клиник характеристикаси 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Сурункали гепатит бўлган беморларнинг демографик ва клиник тавсифи

Асосий кўрсаткичлар	Микдор, ўртача аҳамият	% (M±m)
Жинси		
эркаклар	46	38,3±4,4
аёллар	74	61,7±4,4
Ёш, йиллар (25% ва 75% кватриллар)	56,0±0,95	(50–63)
Эркаклар	53,4±1,71	(44,7–62,0)
Аёллар	57,6±1,09	(53,5–64,0)
Ёш гуруҳлари (n=120)		
25–29 ёш	3	2,5±1,4
30–34 ёш	3	2,5±1,4
35–39 ёш	3	2,5±1,4
40–44 ёш	10	8,3±2,5
45–49 ёш	8	6,7±2,3
50–54 ёш	17	14,2±3,2
55–59 ёш	25	20,8±3,7
60–64 ёш	26	21,7±3,8
65 ёш ва ундан катта	25	20,8±3,7


Жигар фибрози кўрсаткичлари бўйича ўртача ёш кўрсаткичлари тақсимланишини баҳолашда (2-жадвал) белгиландики, аёллар ўртасида ўртача ёш кўрсаткичи фиброз босқичлари ўртасида тахминан бир хил тақсимланишга эга бўлди: f3 – 54,2±2,2, f3-4 – 59,0±2,1, f4 – 59,6±1,2 ёш; айти пайтда эркаклар ўртасида фибрознинг учинчи босқичи қайд этилганлар орасида анча юкори ўртача ёш кузатилди – 58,1±3,0 ҳамда мос ҳолда f3-4 ва f4 52,1±3,2 ва 52,1±2,4 бўлган гуруҳларда нисбатан анча паст.

Тадқиқотга жалб этилган беморлар ўртасида жигар фибрози даражаларининг тақсимланиш тавсифи

Асосий кўрсаткичлар	Фиброз даражаси		
	f3	f3-4	f4
Миқдори	36	25	59
%±m	30,0±4,1	20,8±3,6	49,2±4,5
Жинси			
Аёллар	26	16	32
%	35,1%	21,6%	43,2%
Эркаклар	10	9	27
%	21,7%	19,6%	58,7%
Ўртача ёш	55,3±1,8	56,5±1,8	56,2±1,3

Умуман олганда, айтиш мумкинки, ёш билан боғлиқ ҳолда фибрознинг анча юкори босқичлари учраш частотаси ошиб бораверади, бу касаллик давомийлигининг жигар касалликлари асоратлари кечишига таъсирини кўрсатади. Жигар фибрози боғлиқлик даражаси $y=2,09+0,01*x$ тенгламасига мос ҳолда ёш кўрсаткичи билан ўзаро боғлиқ бўлиб, бу ерда x ёшнинг йилларда кўрсатилиши.

Умуман, агар жигар фиброзининг турли даражалари бўлган беморлар томонидан ҳар хил шикоятларнинг пайдо бўлиш частотасидаги тенденция баҳоланса, қуйидагиларни қайд этиш мумкин: ижобий тенденция қайд этилади, яъни фиброз даражаси ортиши билан симптомлар пайдо бўлиш частотасининг ортиб бориши ҳолсизлик, кучли чарчоқ ҳисси, уйқунинг бузилиши, иштаҳанинг сусайишига боғлиқ ҳолда намоён бўлади (1-расм).



1-расм. Жигарнинг турли даражадаги фиброз шикастланиши бўлган беморлар томонидан шикоятларнинг учраш динамикаси, (%±m).

Тиббий кўриқдан ўтказиш давомида олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлилида (3-жадвал) барча гуруҳлардаги беморларнинг кўпчилигида жигарнинг катталашishi кузатилди. Талоқнинг катталашishi f3-4 фиброз бўлган беморларда ишончли кўпроқ қайд этилди. Жигарнинг биринчи вертикал ўлчами барча беморларда 10 дан 13 см гача ўзгариб турди ҳамда ўртача $12,6 \pm 1,5$ см ни ташкил этди. Ўрганилаётган гуруҳларда ушбу кўрсаткичлар бўйича статистик аҳамиятли фарқлар кузатилмади.

3-жадвал

НСV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррози бўлган беморларда асосий клиник кўринишлар

Симптомлар	Аниқланиш частотаси (%)		
	f3	f3-4	f-4
Пайпасланганда жигар четларининг оғриқлилиги (%)	42,1	48,1	52,3
Гепатомегалия (%)	76,3	72,3	88,6
Спленомегалия (%)	50,0	71,4	81,8
Жигарнинг вертикал ўлчами (см)	$12,3 \pm 1,04$	$12,4 \pm 1,5$	$13,4 \pm 1,6$

Шундай қилиб, умумий ҳолсизлик ва кўнгил айнаши оғир даражали фиброз ва жигар циррози бўлган беморларга хос симптомлар ҳисобланади. Кўпинча беморлар жигар циррози олди босқичида кўнгил айнаши ва тери қичишишидан шикоят қилишади. Барча гуруҳларда ҳолсизлик қайд этилди. Маълумотларнинг қиёсий таҳлилида аниқландики, беморларнинг катта қисмидаги геморрагиялар жигар циррозининг эрта босқичи бўлган беморларда кузатилади, ҳолбуки, цирроз олди гуруҳида бурундан, милклардан қон кетиши бўйича шикоятлар аҳамиятсиз бўлган. Жигар циррозининг эрта босқичи бўлган шахслар ўртасида кўпинча сарғайиш қайд этилади. Барча гуруҳлардаги беморларнинг ярмидан кўпроғи ўнг қовурға остидаги оғирлик ҳиссидан шикоят қилишади, улар ўртасида ишончли фарқ аниқланмади. Жигар циррозининг эрта босқичи бўлган беморлар орасида иштаҳанинг йўқолишидан шикоятлар ишончли кўп учради.


Барча гуруҳлардаги беморларнинг катта қисмида жигарнинг катталашishi қайд этилди. Талоқнинг катталашishi кўпинча цирроз олди ҳолати бўлган беморларда учради. Жигарнинг биринчи вертикал ўлчами барча беморларда 10 дан 16 см гача ўзгариб турди ҳамда ўртача $12,6 \pm 1,5$ см ни ташкил этди. Ўрганилаётган гуруҳларда ушбу кўрсаткичлар бўйича статистик аҳамиятли фарқлар кузатилмади.

Қоннинг умумклиник кўрсаткичлари қиёслаб ўрганилганда жигар циррозининг эрта босқичи бўлган беморларда гемоглобин, эритроцитлар ва тромбоцитлар ададининг ишончли пастроқ кўрсаткичлари аниқланди. Ушбу

гурух учун, шунингдек, лейкоцитоз, лимфопениянинг ва ЭЧТнинг ошиши ҳам хос бўлди.

Қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари таҳлили жараёнида аниқландики, жигар циррози бўлган беморларда сурункали С гепатит фониди гипербилирубинемиянинг ишончли жуда юқори даражаси ва цитолитик синдромнинг камайиши содир бўлади.

Жигар фибрози бўлган беморлар гистологик текширувдан ўтказилганда (2-расм) f3 да $95,4 \pm 2,5\%$ ҳолатда бўлакчалар орасига кириш билан гистолимфоцитар инфильтрация ҳисобига алоҳида портал трактларнинг ўткир кенгайиши, гепатоцитларнинг кўприксимон некрози, шунингдек, бўлакчалар ичида ўчоқли лимфоцитар инфильтрация кузатилди. $11,2 \pm 3,4\%$ ҳолатда ҳам ўчоқли лимфоцитар инфильтрация ва гепатоцитларнинг донадор дистрофияси аниқланди.



2-расм. f3 фибрознинг морфологик манзараси.

Шундай қилиб, жигар фиброзининг морфологик зўрайиши жигар тўқималарида гепатоцитларнинг солиштирма оғирлиги камайиши фониди кечадиди, натижада бўлакчалар ичи некрози ортиши, некротизирланган гепатоцитлар майдонининг пайдо бўлиши, сафро йўллари эпителийсининг шикастланиши ва шунга мос ҳолда сафро тромблари миқдорининг кўпайиши, гепатоцитлар цитоплазмаси ёғ дистрофиясининг бирмунча диффуз характер билан намоён бўлувчи некротик ва дистрофик ўзгаришлар даражаси ўсади, шунингдек, фиброгенезнинг бўлакчалар ичи ва перипортал компонентлари фаоллашуви натижасида жигарда бириктирувчи тўқима солиштирма оғирлиги ортиши билан кўп миқдордаги жигар бўлакчаларида қайта шаклланган тор порто-портал ва порто-марказий септалар пайдо

бўлиши билан бирга кечувчи бўлакчалар ичи яққол фибрози бўлган беморлар сони ҳам ортади.

Диссертациянинг «**Жигар фиброзини инструментал текшириш усуллари самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида жигарни текширишнинг ноинвазив усуллари тавсифига бағишланган учта кичик боблардан иборат.

Жигар биопсияси жигарнинг яллиғланишли-некротизацияланган шикастланиш даражаси ҳақида батафсил маълумот беришига қарамасдан ундан фойдаланиш кўпинча инвазивлиги ва оғриқлилиги сабабли чекланади. Шунинг учун жигар фиброзини ташхислашда ноинвазив усуллардан фойдаланиш долзарблик касб этиб бормоқда. Жигарни ноинвазив текширишнинг яқинда кашф этилган усуллари орасида ушбу тадқиқот давомида иккита усул алоҳида ажратилди: жигар фибрози зардоб маркерларини аниқлаш ва транзитор эластография асосида жигар зичлигини аниқлашнинг инструментал усули.

Яқиндагина жигар фибрози маркери сифатида ташхислашнинг иммунологик усуллари ёрдамида аниқлаш мумкин бўлган одам ижобий агглютинин оксили *Wisteria floribunda* Mac-2 (WFA±M2BP)дан фойдаланиш имкониятлари ҳақида эълон қилинган эди. Тадқиқот давомида жигар циррозини эрта ташхислаш учун юқори эндемик ҳудуд популяцияси ўртасида ушбу маркердан амалий фойдаланиш имкониятларини аниқловчи тадқиқот амалга оширилди.


Сурункали С гепатит (n=120) ҳамда жигарнинг турли даражадаги фибрози бўлган барча беморлар зардобдаги M2BPGi даражасини аниқлаш мақсадида текширувдан ўтказилганда маркернинг ўртача даражаси $6,88 \pm 0,33$ С.О.И. ни ташкил этди, бунда С.О.И. нинг минимал даражаси – 0,7, максимал даражаси эса 13,94 бўлди (4-жадвал).

4-жадвал

M2BPGi (C.O.I.) кўрсаткичининг тавсифий характеристикаси

M2BPGi, C.O.I. (n=120)		Кўрсаткич	Стандарт хато
Ўртача		6,8821	0,33693
95% Ўртача ишонч интервали	Қуйи чегара	6,2149	
	Юқори чегара	7,5492	
Медиана		6,9650	
Вариация коэффиценти		13,623	
Стандарт оғиш		3,69090	
Минимум		0,70	
Максимум		13,94	
Тарқалиш		13,24	

Чизикли регрессия асосида маркердан фойдаланишнинг диагностика самарадорлигини баҳолаш мақсадида фибрознинг f3, f3-4 ва f4 турли даражалари бўлган беморлар ўртасида солиштирма синов ўтказилди (3-расм). Фибрознинг оғир шакли (f3) бўлган гуруҳ – $30,0 \pm 4,1\%$, цирроз олди гуруҳи (f4) – $20,8 \pm 3,6\%$, эрта цирроз гуруҳи эса $49,2 \pm 4,5\%$ ни ташкил этди.



3-расм. Фиброз шаклининг улушли (%) тақсимланиши.


Шундай қилиб, расмдан кўриб турганимиздек, динамикада кўпайиши ва M2BPGi кўрсаткичининг фиброз даражаларига боғлиқлиги яққол намоён бўлган тенденция кўз олдимизда гавдаланади (3-расм). Статистик аҳамиятли фарқлар оғир фиброз ва цирроз олди гуруҳларида $p=0,004$ даражада ҳамда оғир цирроз, цирроз олди ва эрта циррозда $p<0,001$ фарқланди.

Бундан ташқари f3 оғир фиброз гуруҳида M2BPGi кўрсаткичининг 95% тарқалишида С.О.І. 2,86 дан 4,1 гача бўлган чегарада ўзгариб турди. f3-4 гуруҳида M2BPGi 4,87–6,49 чегарада ҳамда эрта цирроз гуруҳларида С.О.І. 8,6-10,2 чегарада ўзгариб турди. f3 гуруҳида медиана – 3,03, f3-4 гуруҳида – 5,7 ва f4 гуруҳида – 9,8 С.О.І. ни ташкил этди.

Гепатологлар амалиётида жигар шикастланишларини ташхислашда кенг қўлланилувчи транзиент эластометрия кўпчилик мутахассислар томонидан дунё микёсидан “олтин стандарт” деб тан олинган биопсия билан таққосланувчи аҳамиятли тест сифатида қабул қилинади. Бироқ ушбу тасдиқ шубҳа ва тестлардан ўтказилишга жалб этилиши лозим. Ушбу тадқиқотни амалга ошириш жараёнида оғир фиброзлар ва эрта циррозларда жигарнинг шикастланиш даражасини аниқлашга нисбатан транзиент эластометрия усули самарадорлигининг «олтин стандарт»га нисбатан қиёсий тести ўтказилди. Шунинг учун параллел равишда фибрознинг турли даражалари (f3, f3-4, f4) бўлган беморлар транзиент эластометриянинг жигар биопсияси билан таққослангандаги прогностик қимматини баҳолаш мақсадида тестдан ўтказилди.

Тадқиқотга сурункали С гепатит ва жигар фиброзининг турли даражалари бўлган жами 120 нафар бемор жалб этилди. Оғир фиброз (f3) гуруҳини – $30,0\pm 4,1\%$, цирроз олди (f3-4) гуруҳини – $20,8\pm 3,6\%$, эрта цирроз (f4) гуруҳини – $49,2\pm 4,5\%$ бемор ташкил этди. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида фиброз даражаларига боғлиқ ҳолда M2BPGi (С.О.І.) ва транзиент эластометрия кўрсаткичлари таққосланди (4-расм).

Фиброз даражаси



4-расм. Фиброз гуруҳлари бўйича транзитор эластография (кПа) ва M2BPGi (C.O.I.) кўрсаткичларининг чизиқли тақсимланиши.

Натижаларни верификациялаш мақсадида ҳар иккала текшириш усулларида ҳам фойдаланилганда 17,5% ҳолатда ташхислар жигар биопсияси усули орқали тасдиқланди (5-жадвал).

5-жадвал

Текшириш усулига боғлиқ ҳолда жигар фибрози гуруҳлари бўйича беморларнинг ўзаро тақсимланиши

Жигар биопсияси	M2BPGi					ТЭ				
	>f3	f3	f3-4	f4	Жами	>f3	f3	f3-4	f4	Жами
>f3	3	0	1	0	4	0	1	2	1	4
f3	0	4	1	0	5	0	4	1	0	5
f3-4	0	1	5	0	6	0	2	4	0	6
f4	0	0	0	6	6	0	0	0	6	6
Жами	3	5	7	6	21	0	7	7	7	21

Шундай қилиб, референт усул шуни кўрсатдики, жигар фиброзини M2BPGi зардоб маркерларини аниқлаш усули орқали белгилаш энг аниқ усул ҳисобланади (усулнинг хатоси 14,2% га қарши 33,3% ни ташкил этди).

Жигарнинг турли даражали фибрози бўлган ўн тўрт нафар бемор вирусли С гепатитига қарши бевосита вирусга қарши таъсирга эга препаратлар билан вирусга қарши специфик даво олди. Тадқиқот давомида

M2BPGi кўрсаткичларини динамикада ўрганиш амалга оширилди (даволашга қадар, даволаш бошланганидан 1 ой ўтиб, даволаш тугаганидан кейин). Гуруҳга жами f3 фиброз бўлган 3 нафар, f3-4 фиброз бўлган 2 нафар ҳамда f4 фиброз бўлган 9 нафар бемор киритилди. M2BPGининг ўртача кўрсаткичи даволаш бошланган вақтда $7,7 \pm 1,05$ С.О.И. ни ташкил этди (6-жадвал).

6-жадвал

Даволашнинг турли босқичларида специфик даволанган шахслар (n=14) ўртасида M2BPGi кўрсаткичларининг тақсимланиши

Фиброз гуруҳи	Даволашга қадар		Даволашнинг 1-ойида		Даволашдан кейин	
	Ўртача (М)	Статистик хато (m)	Ўртача (М)	Статистик хато (m)	Ўртача (М)	Статистик хато (m)
f3	2,82	0,43	1,42	0,34	1,25	0,15
f3-4	7,13	2,61	3,06	0,83	2,80	1,39
f4	9,87	1,02	8,65	1,37	4,88	1,83
Жами	7,97	1,05	6,12	1,25	3,71	1,25


Айтиш жоизки, M2BPG кўрсаткичи жигар ҳолатидаги ўзгаришларга ўта сезгир ҳамда даволаш давомида мониторинг учун фойдаланиш мумкин. Бироқ ушбу тасдиқ даволашнинг ҳар бир босқичида биопсия кўрсаткичлари билан тасдиқланиши зарур, буни баҳариш эса усулнинг инвазивлиги туфайли жуда қийин ҳисобланади.

Олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда статистик аҳамиятли доминантлар ва кўрсаткичлардан фойдаланиб оғир фиброзлар, цирроз олди ва эрта циррозларни ташхислашнинг алгоритми ишлаб чиқилди (5-расм).


Диссертациянинг «**Жигар фиброзининг клиник-лаборатор намоён бўлишида генетик полиморфизмнинг роли**» деб номланган бешинчи боби коинфекцияли беморларда HCV этиологияли Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррозининг кечиш хусусиятларини ёритишга бағишланган иккита кичик боблардан иборат.

Тадқиқотга СВГС ва ОИВ коинфекцияси бўлган 110 нафар бемор жалб этилди (6-расм). IL28B ген полиморфизми генотипларига тестлаш натижалари шуни кўрсатдики, rs8099917 полиморфизми генотипининг ёввойи тури (ТТ-генотип) 68,2% ҳолатда учради ва 31,8% ҳолатда генетик мутациялар кайд этилди. rs12979860 полиморфизмида бу тақсимланиш мос ҳолда 80% ва 20% ни тегишли равишда ташкил этди

**НСV инфекциясида Чайлд-Пью бўйича А босқичидаги жигар циррозини
эрта ташхислаш кетма-кетлиги**



5-расм. Жигар фиброзини ташхислаш кетма-кетлиги.



6-расм. Вирусли С гепатит коинфекцияси бор ОИВ билан инфицирланганларда IL28B генда генетик полиморфизм генотипларига боғлиқ ҳолда жигар циррози ривожланиш тезлигининг тақсимланиши.

Полиморфизмнинг ҳар иккала турида жигар циррозининг полиморфизм генотипига боғлиқ ҳолда келиб чиқиш эҳтимоли генотипга боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Бундан ташқари rs12979860 нуктали полиморфизмида жигар циррози пайдо бўлишининг нисбий шанси (НШ) 0,87 95% ИИ 0,17–4,38, rs8099917 полиморфизмида эса НШ 0,44 95% ИИ 0,09–2,1 ни ташкил этди. Бироқ жигар циррози ривожланиш тезлиги ва нуктали полиморфизм ўртасида кучли статистик боғлиқлик аниқланди. Шунингдек, rs12979860 полиморфизмининг СС-генотипида умрнинг ўртача давомийлиги циррозсиз $11,56 \pm 0,89$ ёшни, СС бўлмаган генотипда эса $4,5 \pm 1,5$ ёшни ташкил этди. rs8099917 полиморфизмида ҳам ўхшаш натижалар олинди. Ҳар иккала полиморфизмларда ҳам статистик аҳамият даражаси $p=0,008$ ни ташкил этди, бу кузатилаётган ҳодисаларда статистик хатоликнинг қуйи таъсири эҳтимолини кўрсатади ҳамда натижалар генетик полиморфизм таъсири билан шартланган.

ХУЛОСА

«HCV инфекцияда Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррозининг диагностик, прогностик ва терапевтик жиҳатлари» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Чайлд-Пью бўйича А синф жигар циррозининг клиник кўриниши ўзига хос клиник ва лаборатор кўрсаткичлар билан тавсифланмайди, аммо

динамикада холсизликнинг $79,7 \pm 5,3\%$, чарчоқликнинг $55,9 \pm 6,5\%$ ортиши, ГГТПнинг $123,7 \pm 33,2$ бирлик/л ва билирубин миқдорининг $144,2 \pm 24,8\%$ мкмоль/л дан юқори бўлишини жигар фибрози зўрайишининг диагностика мезонлари сифатида қаралиши мумкин.

2. Ташхисот усуллари $66,7\%$ ҳолатларда транзент эластометриянинг ва $85,8\%$ ҳолатларда М2ВРнинг информативлигини кўрсатди, бу эса, ушбу усуллардан жигар фиброзини аниқлашнинг прогностик кўрсаткичлари сифатида фойдаланиш имкониятини кўрсатади.

3. М2ВРGi зардоб маркерларини аниқлаш усули ёрдамида жигар фиброзини ташхислаш транзент эласторгафия усулига нисбатан кўпроқ аниқроқ усулдир (усулнинг хатоси $14,2\%$ га қарши $33,3\%$).

4. Барча беморларда даволаниш динамикасида М2ВР кўрсаткичларининг камайиши кузатилди, дастлабки кўрсаткичга нисбатан камайишнинг умумий кўрсаткичи 80% гача бўлди, бу эса, ушбу кўрсаткични даволаш динамикасида прогностик маркер сифатида қўллаш имконини беради.

5. IL28В генотиби коинфекция бор беморларда жигар фибрози хавфининг прогностик омили ҳисобланади: генетик полиморфизм цирроз ривожланишининг тезлигини аниқлайди ва унинг шаклланиш вақтини икки баробар қисқартиради (rs12979860 полиморфизмининг СС бўлмаган ва СС генотипида $4,5 \pm 1,5$ йил ва $11,56 \pm 0,89$ тегишли равишда).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ

ЭГАМОВА ИНТИЗОР НОРМУХАММАДОВНА

**ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ, ПРОГНОСТИЧЕСКИЕ И
ТЕРАПЕВТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЦИРРОЗА ПЕЧЕНИ КЛАССА А
ПО ЧАЙЛД-ПЬЮ HCV ИНФЕКЦИИ**

14.00.10 - Инфекционные болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Tib63

Диссертация выполнена в Ташкентском институте усовершенствования врачей.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Мусабаев Эркин Исакович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ахмедова Мубарахон Джалиловна
доктор медицинских наук, профессор

Таджиев Ботир Мирхашимович
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация:

**Самаркандский государственный
медицинский институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.30.01 при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрировано за № _____). Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 г.

(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2019 г.).

Л.Н. Туйчиев
председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.У. Таджиева
ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, доцент

Б.М. Таджиев
заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы вирусный гепатит С и его последствия остаются важной медицинской и социальной проблемой. Заболевание характеризуется тяжелым течением, снижением качества жизни больных и повышенной смертностью. По данным Всемирной Организации Здравоохранения «... более 170 миллионов человек инфицированы гепатитом С. Ежегодно 686 000 человек умирают от цирроза печени и рака, ассоциированный ХГС ...»¹. Известно, что «... у 70–85% пациентов развивается хроническая инфекция, приводящая к средне-умеренным гистологическим изменениям в печени ...»². Развитие цирроза печени и высокий уровень смертности при хроническом гепатите С требует разработки диагностических, прогностических и терапевтических мер для оценки риска.

На сегодняшний день трудность для практикующего врача в назначении патогенетически обоснованного лечения при хронических диффузных заболеваниях печени вирусной этиологии обусловлена сложностью механизмов патогенеза и разнообразием сравнительной диагностики этой патологии. Во всем мире особое внимание уделяется научным исследованиям направленным диагностике на раннем этапе, осложнениям, включая риска развития цирроза печени, оптимизации методов лечения и профилактики. В связи с этим, необходимо выявить факторы риска развития цирроза печени HCV этиологии, определить молекулярно-генетический полиморфизм различных генов, определить сывороточные маркеры фиброза печени, оптимизировать мероприятия по ранней диагностике, прогнозированию, лечению и профилактике фиброза печени. Среди различных слоев населения страны достигнуты определенные успехи в ранней диагностике инфекционных заболеваний, усовершенствовании методов лечения, профилактики и осложнений. В тоже время в системе здравоохранения реализуются масштабные программные мероприятия. В связи с этим, в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему совершенствованию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годах» от 20 июня 2017 года определены следующие задачи, как «... расширение доступа населения к медицинским услугам, оказание специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи ...»³. При реализации этих задач важно повысить уровень диагностики и лечения инфекционных заболеваний на новый, высокий уровень, разработать и внедрить современные методы лечения, а также применить инновационные технологии при оказании качественной медицинской помощи.

¹World Health Organization website, 2017, <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs104/en/>.

²Fumio Imazeki et al., in *Hepatology International* 4(3):548-61 2010

³Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года

